

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ ИЖОДИДА ИЖТИМОИЙ-
МАЪНАВИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

ОТРАЖЕНИЕ СОЦИАЛЬНО-ДУХОВНЫХ ИДЕЙ В
ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ХАМЗЫ ХАКИМЗАДЕ НИЯЗИ

REFLECTION OF SOCIO-SPIRITUAL IDEAS IN THE PRODUCTS OF
HAMZA KHAKIMZADE NIYAZI

ФарПИ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси

Шавкатжон Хонкулов Хурсаналивич. *turkiston@83.mail.ru*

ФерПИ кафедра "История Узбекистана" старший преподаватель

Шавкатжон Хонкулов Хурсаналивич. *turkiston@83.mail.ru*

FerPI Department "History of Uzbekistan" Senior Lecturer

Honkulov Shavkatzhon Hursanalivich. turkiston@83.mail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижод фаолиятидаги ватан озодлиги ғоялари, унинг бу йўлдаги ижтимоий-маънавий қарашлари акс эттирилган.

Аннотация

В данной статье отображены идеи свободе родины в творческой деятельности и социально-духовных взглядах на этот пути Ҳамзы Ҳакимзода Ниязи

Annotation

In this article, ideas of freedom of the motherland in creative activity and social and spiritual views of Hamza Hakimzoda's Niyazi on this path were presented.

Таянч сўзлар: пантуркчи, халқ душмани, фирқа аъзоси, эски Турон, хуррият

Ключевые слова: пантуркист, враг народа, старый Турон, член ячейка, свобододолюбие

Key words: *panturkist, Enemy of the people, old Turon, member cell, love of freedom*

Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги муҳим омиллардан бири - уни холисона таҳлил этиш, илмий-нуқтаи назардан асослаб беришдир. Бу ҳақда Биринчи Президентимиз “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир. “Тарих соҳасида меҳнат қилаётган

олим, мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: сизлар, миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини уйғотсин, Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғояни заминида халқимизнинг ўзлигини англаш ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас”. [1. 29]

Ўзбек маданиятининг, илм-фанининг йирик намоёндаларидан бири бўлиб, у ҳам Туркистонда мустақиллик ғояларини илгари сурган адиблар билан бир қаторда туради. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам, улар каби халқнинг миллий уйғонишида, маърифатли бўлишида катта жонбозлик кўрсатган.

Бошқа адиблар сингари мустабид тузумни қурбонига айланган. Тўғри унга “пантуркчи”, “халқ душмани”, “рус ҳукуматига қарши бирон фирқа аъзоси” деган тавқилаънатлар ёпиштирилмади. Аксинча Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан ўша даврда мавжуд бўлган ҳукумат унумли фойдаланди. Сўнгра Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий маълум кучлар тамонидан турли мақсадларни амалга ошириш учун режа қилиниб йўқ қилинди. Унинг ўлиmidан кейин адиб шахсияти билан боғлиқ турли-туман мақтовлар пайдо бўлди. Ўзбек адабиёти тарихига назар солсак ҳам, ана шу тамойилнинг белгиларини кўрамиз. Тўғри, адабиёт ишига кўп даврларда синфийлик нуқтаи назаридан ёндашилди, адабий анъана ва методлар, адабий ютуқлар партиявий жиҳатдан баҳоланди. Лекин ўзбек адабиётида яратилган ҳақиқий асарлар ўз ҳаётчанлигини йўқотмади. Чунки зоҳиран синфийлик характериға эгадек туюлган бу асарларнинг ўз руҳи, ички мазмунида умуминсонийлик концепцияси, жаҳон халқларини бахтли, фаровон ва аҳил кўриш ғоялари мужассам эди. Буни жадин даври адабиёти вакиллари ижодини ўрганганимизда ҳам кузатишимиз мумкин. Ҳамза, Фитрат, Авлоний, Ибрат, Тавалло, Сидқий, Чўлпон кабилар ижоди ҳақида сўзлаганда адабиёт ўз даврининг бадий инъикоси, бу ижодкорлар эса ўзи яшаб турган воқеликнинг онгли, хушёр аъзоси бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳа, ҳақиқий ижодкор чор-атрофдаги воқеа-ҳодисаларға шунчаки гувоҳ эмас, балки уларни баҳолай олувчи

тарозубон, мисоли олтинни мисдан ажрата олувчи заргар каби ҳақиқатни ёлғондан ажрата олувчи нозик кузатувчидир.

Жумладан, ўзбек жаҳид маърифатпарварларининг забардаст вакили Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти ҳам катта ташвишларга йўғрилган бўлсада, ўзбек миллий адабиётида ва ўлкадаги ижтимоий ўзгаришларда чуқур из қолдиришга эришди. Аввало, адиб жаҳид адабиёти ўз олдида қўйган улкан вазифаларни чин дилдан ҳис этди ва элни маърифат, кенг дунёвий илмга қақирди, истибдодга қарши маърифат билан курашиш зарурлигини англаб, ўз асарларида интеллектуал руҳни намоён этди. Мустақиллик йилларига келиб, Ҳамза ижоди ва ҳаётига объектив ёндашилган мақолалар, тадқиқотлар матбуотда эълон қилинди. Улар сирасига таниқли олимлар Наим Каримовнинг “Ҳамзани ким ўлдирган?”, “Ҳамза ва мухторият”, О.Шарафиддиновнинг “Истибдод қурбони”, Б.Қосимовнинг «Янги тафаккур: изланишлар, машаққатлар», Л.Қаюмовнинг «Биз билмаган Ҳамза» ва тадқиқотчи Абдумалик Ёқубнинг «Тикансиз гул: жаҳидчилик ва Ҳамза» Қозоқбой Йўлдошнинг “Миллатсуяр шоир”, Иброҳим Ҳаққулнинг “Ҳамза абадияти” каби мақолаларни киритишимиз мумкин. Мустақиллик йилларигача шоир ижодига бир томонлама, субъектив ёндашув мавжуд бўлган. Шоир ижодини баҳолашда социалистик реализм методига асосланилган. Ҳатто шоирнинг диний-дунёвий қарашларига ҳам “атеистик” ёрлиқ ёпиштирилган. Аммо Ҳамза ижодининг руҳиятига, ички мазмунига чуқур назар ташласак, бундай тафсилга ҳожат қолмайди.

Ё илоҳо, сангадур ҳамду сано, Қодиро, хайю тавоно зулаъло.

Ҳам қадимсан, ҳам азал, лоязал, Борлиғингга йўқ сани ҳеч интиҳо.

Борлиғингга ул шаҳодат берғуси, Ой ила хуршиду ҳам арзу само.

Бир сифотинг қулху оллоху аҳад, Йўқ шеригинг, яккасан, ё раббано.[2. 234]

Шоирнинг “Тўла асарлар тўплами” дан ўрин олган ушбу ғазали муножот руҳида ёзилган бўлиб, Яратганнинг бирлигию, улуғлиги ва сифатларига эътибор қаратади. Шу билан бирга ожиз ва шикаста қалбнинг дил

изҳорларини қаламга олади. Ҳам азал, ҳам боқий бўлган, аввал ва охирда мавжуд бўлган Раббининг сифатларини бир-бир айтар экан, ҳатто ойу- қуёш ҳам Сенинг борлигинга гувоҳдир, деб шукрона келтиради. У диндорларни танқид қилар экан, динга эмас, мутаассиб, бидъатчи уламоларга қарши чиқади, диний аҳкомларни ўз фойдасига талқин қилувчи, фуқаро ғамидан ўз роҳатини устун қўювчиларни танқид тиғи остига олади. Тадқиқотчи Ш.Амоновлар олиб бораётган тадқиқотларда кўрсатилишича, шоирнинг турғунлик йиллари чоп этилган “Мукамал асарлар тўплами” да ҳам, “Тўла асарлар тўплами” да ҳам уни асл манбаларга солиштирганда қатор матний тафовутлар борлиги кўзга ташланади. Тадқиқотчи Ш.Амонов тўғри айтганидек, бу матний тафовутлар ўша пайтдаги ҳукмрон мафкура таъсирида юзага келган. Шоирнинг 1988 йилда чоп этилган “Тўла асарлар тўплами” 2-жилдида эълон қилинган “Эски Турон” деб номланувчи халқ ашуласининг поэтик интонацион хусусиятлари асосида ёзилган ”Дармон истариз” деб номланувчи ашула матнида ҳам ўзгаришлар мавжуд:

Эй мусулмонлар, қачон биз дарда дармон истариз,
Бу қоронғу кечамизга моҳи тобон истариз,
Биз ватан авлодина илм ила урфон истариз,
Ёдгори қолгудек ислома унвон истариз,
Эй мусулмонлар, келинлар хатми Қуръон истариз.
Миллата шавкат, тараққий, шаъну даврон истариз.

Ш.Амонов таъкидлашича, ушбу ашула нақоратидаги “хатми Қуръон истариз” сўзлари асл матнда “ҳукми Қуръон истариз” экан. “Хатми Қуръон”- бу Қуръонни хатм қилиш, қироат билан ўқиш демакдир. “Ҳукми Қуръон истариз” деганда маъно юки янада ортиб, шоир мусулмонларни Қуръон ҳукмлари, аҳкомлари асосида яшашга чақираётгани англашилади. Яна бир ўринда шоирнинг “Дардига дармон истамас” шеърида:

«Жамшид» у «Зарқум», «Баёз» аҳли салоҳни илгида,
Ё ақоид, ё ҳадис, тасвири Қуръон истамас,
Ухлама, кўп ўзбек эли, асри тараққий вақтида
дейилади. Асл матнда “тасвири Қуръон эмас”, балки “тафсири Қуръон
истамас” бўлар экан. Бунда ҳам мисра мазмуни бир сўзни алмаштириш
билан катта ўзгаришларга учраган.

Миллат учун жон куйдириш, уни ижтимоий онгли бўлишини чин дилдан
исташ, жаҳолат ва бидъатларга қарши маърифат билан курашишга чорлаш
Ҳамза ижодиётининг асл меҳвари эди. Адибнинг қатор шеърларида, хусусан
1915 йилда чоп этилган “Миллий ашулалар” тўпламидаги аксар асарларида
бундай мисолларни кўплаб учратишимиз мумкин. Масалан:

Эсиз, эсиз Туркистон, қани аввалги холи?

Оламга зиё берган ул хуршиди иқболи?

Абру ғафлат қурилди, тун бўлди истиқболи,

Хўр бўлса, миллатимиз, тутмасмикан уволи. [3. 18-19]

Адиб ушбу мисраларда умумҳалқ вужудида туғён уриб турган дард ва
аламни ифодалайди. Ҳамза ижодининг лейтмотивини миллатга ўз оғир
ҳолини англатиш, уни кенг дунёга янгича, юксак маърифий назар билан
қарашга ундаш туйғуси ташкил қилади. Шу боис ҳам бу йўлда барчамиз,
уламолардан тортиб боёнларгача, оддий фуқародан то амалдоргача бирлашиб
миллат учун жон куйдиришга бел боғлайлик, дея мурожаат қилади. Ҳамза
ўзининг “Истибдод қурбонлари” асарида Саидхон образида ўзининг орзу
умидларини умумлаштиради. Масалан: Саидхон “Эй золим-мустабид!
Раҳмсиз қонхўр! Мундай ғурбат ва қаттиқ совуқларни кўрмаган бечораларни
совуқ ерларда сарсон қилдинг. Биласизми бу кўргилик сизларни бошингизга
қандай келди? Оҳ! Афсуски билмайсиз. Бир оз Оврўпадаги илм билан кўзи
очилган меҳнаткашлар билан улфатлашиб, ўзингизни дунёдан қандай асорат
ва истибдод остида эзилиб юрганингизни билар эдингиз, келажакдаги

авлодингизни мана шундай қора кунларга қолмасин учун ҳуқуқ ва ҳуррият инсониятингиз йўлида жанг қилмоқ учун қуролга ёпишар эдингиз”. [4. 9-10]

Адиб “хуррият” деганда Туркистон озодлиги учун ижтимоий-сиёсий замин таёрлаб, ўлкани мустақил бўлишини назарда тутмаганмикин. Шоир “илмсизлик”ни бир жароҳат деб билади, уни зўраймасдан олдини олишликка ундайди:

Зўраймасдан жароҳат, даво қилинг, даволат,
То етмасдан фалокат, бўлсак миллат қурбони.

Миллат дардини теран томирлар билан ҳис қилиш шоирлик рутбасига ўта катта масъулият бағишлайди. Асрдан асрга қадам ташлаш чоғида Туркистон бошига келган кулфатлар, мустамлакачилик келтирган балолар ва бунга яраша миллат ибрат оладиган, улар эргашадиган уламоларнинг бефарқлиги, бойларнинг ҳам ўз миллати ривожини учун қадам ташламаслиги, натижада ёш-яланглар тарбиясидаги ноқисликлар, билимсизликнинг авж олиши, бунинг оқибатида ижтимоий ҳуқуқсизлик келиб чиқиши, бутун жаҳон тараққиёти юз бериб турган пайтдаги даврларда ўлкадаги бу бошбошдоқликлар ҳушёр қалбли шоирнинг энг катта дарду аламига айланган эди. Бу қайғу бутун жаҳид маърифатпарварлари учун ҳам умуминсоний қайғуга айланди. Ва шу даврда яратилган ҳар бир шеър, насрий ёхуд драматик асарлар ўзида ташиётган асл маънолар жавҳари ана шундан иборат эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. 296бет.**
- 2. Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Т.; 1988. 2-том. 234бет.**
- 3. Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Т.; 1988. 2-том. 18-19бет.**
- 4. Ҳамза. Мукамал асарлар тўплами. Т.; 1981. 4-том. 9-10бет**